

- газ ҳисоблагичдаги ишчи босим истеъмолчининг ГТП (газ так пункти)нинг соз ҳолатда эканлиги тўғрисидаги далолатномани «Истеъмолчи»га тақдим қилинади;

- газ ҳисоблагичдан фойдаланиш жараёнида «Истеъмолчи» унинг ҳисоблаш механизми ва тузатиш киритувчи (блок коррекциясини)ни шикастланишдан эҳтиёт қилиш;

- газ ҳисоблагични ишлатишда ҳисоблагич паспортида қайд қилинган талабларга бажарилиши;

Газ ҳисоблагич қуйидаги талабларга жавоб бериши:

- газ ҳисоблагичнинг кўриш жойларида ҳисоблаш механизмидаги кўрсаткичларни тўсқинликсиз олиниши, ҳамда шикастланган жойлар ва камчиликлар (дефектлар) бўлмаслиги;

- ишлаб чиқарувчи корхона- завод ва «Ўздавстандарт» тамғалари сақланган, бўлиши;

- ҳисоблаш тармоғи ва импульс йўлларида газ сизиб чиқиш ҳолатлари бўлмаслиги;

- газ ҳисоблагичда ишлаб чиқарган корхонанинг товар белгиси, газ ҳисоблагич русуми, рақами, унинг аниқлик даражаси ва ишлаб чиқилган йили кўрсатилганлиги;

- газ ҳисоблагич корпусида газ оқимини кўрсатиб турувчи ёй (стрелка) бўлиши;

- газ ҳисоблагич шовқинсиз ишлаши шарт.

Агарда газ ҳисоблагич юқоридаги талаблардан бирига жавоб бермаса, ҳисоблагич фойдаланишга яроқсиз деб ҳисобланади ва аниқланган камчиликлар «Истеъмолчи» томонидан бартараф этилмагунига қадар ҳисоблаш тармоғи яроқсиз деб ҳисобланади ва фойдаланилган табиий газ учун ҳисоб-китоб ишлари мазкур шартноманинг 2.14. асосан амалга оширилади.

2.17. «Истеъмолчи» «Таъминотчи» вакилига, хафтанинг исталган вақтида ойига камида 4 маротабадан кам булмаган лекин, 10 мартадан кўп бўлмаган миқдорда газ ҳисоблаш асбоблари ва газ ишлатувчи ускуналарини ҳеч қандай тўсқинликсиз кириб кўриши учун шароит яратиш бериши шарт. «Истеъмолчи» ташаббуси билан «Таъминотчи» вакилини тақлиф қилиш ҳолатлари бундан мустасно.

Агарда, «Таъминотчи» вакили газ ускуналари ва газ ҳисоблаш асбобларини текшириш учун «Истеъмолчи» ҳудудига киритилмаса, «Истеъмолчи» томонидан фойдаланилган газ сарфи учун ҳисоб-китоб, мазкур шартноманинг 2.13 бандига асосан амалга оширилади, «Таъминотчи» вакилининг охириги марта келган пайтидан бошлаб амалга оширилади.

Эслатма:

«Истеъмолчи» нинг газ ускуналари ва газ ҳисоблаш асбобларини текшириш учун киритилмаганлиги тўғрисида «Таъминотчи» вакили томонидан далолатнома расмийлаштирилганлиги асос бўлиб ҳисобланади.

Агарда, «Истеъмолчи» «Таъминотчи» вакилининг ҳудудига киритилмаганлиги тўғрисида ёки газ ҳисоблаш мосламаси, тижорат ҳисоблагич сифатида тан олинмаганлиги тўғрисида тузилган далолатномага имзо қўйишдан бош тортса, «Таъминотчи» далолатномани бир томонлама тартибда тузади. Бунда, газ ҳисоблаш мосламасини текшириш пайтида иштирок этган «Истеъмолчи» вакилининг исми, шарифи ва мансаби ҳамда «истеъмол»чининг манзили кўрсатилади.

Агарда «Истеъмолчи» далолатномага имзо қўйишда бош тортса унда, «Таъминотчи» томонидан уч кишидан кам булмаган шахслар иштирокида тузилган далолатнома ҳақиқий деб ҳисобланади.

2.18. Газ ҳисоблаш воситалари ишдан чиқса ёки яроқсиз ҳолга келиб қолса, «Истеъмолчи» бу ҳақида «Таъминотчи»ни зудлик билан хабардор қилиши керак. Агарда, айрим газ ускуналари ишламаётган бўлса, уларни тамғалаш учун «Таъминотчи»ни хабардор қилиши керак.

2.19. Газ ускуналарини қайта таъмирлаш билан боғлиқ ҳолда газ сарфи ҳисоб-китоби ўзгарганида «Истеъмолчи» «Таъминотчи»га газ асбобларини ўзгартириш учун техник шарт ёки руҳсатнома, «Саноатконтехназорат» ва «Ўздавнефтвазозорат» инспекциялари томонидан